УДК 82/821.0

МИССИОНЕРЛИК ФАОЛИЯТИ: ТАРИХИ ВА БУГУНГИ КУН

Х.Н.Обломурадова

Мақолада миссионерликнинг тарихи, унинг ғоявий-ақидавий асослари ва замонавий кўринишлари ҳақида фикр юритилган. Тадқиқотнинг мақсади мазкур фаолият билан шуғулланаётган марказлар ва ташкилотларнинг ғаразли мақсадлари, улар томонидан қўлланилаётган услуб ва воситаларни кенг қамровли маълумотлар ва мисоллар асосида ёритиб бериш.Шу билан бирга мақолада миссионерлик ҳаракатларини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари, жамиятда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда диний маърифат ва бағрикенглик маданиятининг ўрни ва аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: *дин, буддавийлик, христианлик, ислом, миссия, диний миссия, миссионерлик, прозелитизм, мафкуравий иммунитет, диний маърифат.*

В статье анализируются история миссионерской деятельности, ее идеологические основы и современные разновидности. Целью исследования является раскрытие обширной информации о целях, используемых методах и средствах центров и организаций, занимающихся этим видом деятельности. Также разъясняются правовые основы предотвращения миссионерских движений, роль и значение религиозного просвещения и толерантности в обеспечении стабильности и процветания общества.

Ключевые слова: *религия, буддизм, христианство, ислам, миссия, религиозная миссия, миссионерство, прозелитизм, идеологический иммунитет, религиозное воспитание.*

Муаммонинг қўйилиши

XX аср сўнгида рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди. Дунё мамлакатлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга бўлинди. Ана шу ривожланган баъзи мамлакатлар ўз миллий мустақиллигини қўлга киритган, ривожланаётган мамлакатларни, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринмоқда [1. Б. 100].

Қашшоқлик, экологик муаммолар, захиралар тақчиллиги, оммавий касалликлар, диний ақидапарастлик ва терроризм XX асрдан XXI асрга мерос бўлиб ўтди. XXI асрга келиб эса хавф-хатарлар рўйхати айрим кучларнинг уринишлари натижасида янада кенгайди. Демографик инқироз, миссионерлик, демократия экспорти, “оммавий маданият”, ғарбона турмуш тарзини тиқиштириш каби хавф-хатарлар пайдо бўлди. Давлатлар суверенитетини кемирувчи бу хавф-хатарларга юзаки қараш, уларни таҳдид манбаи сифатида эътироф этмаслик инсоният бошига яна кўплаб кулфатлар солиши муқаррар. Шунинг учун давлатимиз ривожига таҳдид солаётган бундай ҳодисаларнинг мафкуравий пойдеворини ҳосил қилувчи вайронкор ғояларни фош этиш бирламчи вазифага айланди.

Жамият тараққиётига сезиларли тарзда таъсир кўрсатаётган ижтимоий омиллар ичида диний омилнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Зотан, дин инсонларни доимо эзу ният қилишга ва эзгу амалларни бажаришга ундаган, инсоннинг маънавий камол топишига хизмат қилган. Жумладан, ўтган давр диндан турли мақсадларда фойдаланиш, ундаги ғояларни вайронкорлик руҳида талқин этиш инсоният бошига ўнглаб бўлмайдиган кулфатларни ёғдирганига ҳам гувоҳлик беради. Ҳозир ҳам диндан турли хил ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга уринаётган ҳаракатлар ўта жиддий кўринишларда намоён бўлмоқда. Ўз фаолиятини ранг-баранг шаклларда амалга ошираётган миссионерлик ҳаракатлари ҳам бунинг яққол исботидир.

Миссионерликнинг ижтимоий-тарихий таҳлили

“Миссионерлик ўзи нима?”, “Бугун унинг миллий ҳаётга таҳдиди нималарда кўринмоқда?” деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Миссионерлик (лотинчада “missio” – “юбориш”, “вазифа топшириш”) муайян дин, конфессия, номинация ёки секта вакилларининг ўз диний таълимотини тарғиб қилиш ва тарқатишга қаратилган фаолияти ҳисобланади[2. Б.25]. Миссионер

(missionary) ўзи эътиқод қилувчи диний таълимотни ўзга дин вакиллари ичида тарқатиш билан шуғулланувчи шахс[1. Б.108].

Миссионерликнинг таркибий қисми бўлган прозелитизм (грекча “proseh/tos” – янги эътиқодни қабул қилган одам) муайян дин, конфессия, номинация ёки секта вакилларининг ўзга дин вакиллари ёки даҳрийларни бевосита ўз динига киритишга қаратилган назарий ва амалий фаолияти саналади [3. Б. 27]. Демак, прозелитизм миссионерлик фаолияти натижасида тўғридан-тўғри бирор-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечиш ва ўзга динни қабул қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият. Яъни, прозелитизм миссионерликнинг юқори чўққиси ҳисобланади.

Миссионерлик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у динларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Чунки ҳар қандай динда ўз диний таълимотини ёйишга, издошлари сонини оширишга алоҳида эътибор бериб келинади.

Диншуносликка оид манбаларда бу фаолият дастлаб миллоддан аввалги III асрда Ҳиндистонда подшоҳ Ашока томонидан қўшни мамлакатларга буддавийликни тарғиб қилиш учун юборилган роҳиблар фаолиятида, милодий IV асрдан эса христианлик доирасида амалга оширилганлиги эътироф этилади.

Милоднинг илк даврларида миссионерлик кўпроқ Рим католик черкови устувор ўрин тутган Ғарб мамлакатларида кенг ривожлана бошлаган. Таъкидлаш жоизки, миссионерлик, албатта, биринчи навбатда черковнинг диний таълимотига монанд евангеллаштириш ва католик динини ёйишга қаратилган бўлса-да, ушбу фаолият сиёсий мақсадлар – мустамлакалаштириш ва ўзлаштиришда ҳам кенг кўламда фойдаланилган. Жумладан, XV-XVI асрларда Испания ва Португалиянинг Лотин Америкаси ва Африка қитъаларидаги мустамлакаларининг вужудга келишида католик черковининг миссионерлари муҳим роль ўйнаган.

1622 йилда Рим Папаси Григорий XV католик миссионерлик ҳаракатини кенгайтириш мақсадида дин даъвати Конгрегацияси (1967 йилдан буён – халқларни инжиллаштириш Конгрегацияси)ни таъсис этган. Миссионерлар самарали фаолият олиб бориш учун ўзлари бораётган мамлакат халқлари динлари ва урф-одатларини пухта ўрганган. Мисол учун Г.де Любянинг “Шарқда буддавийлик билан учрашув”, М.Рикки (1552–1610) ва Ж.Ф.Лафитонинг (1670–1740) “Америкаликларнинг ибтидоий даврга хос ёввойи табиати” каби асарларини кўрсатиш мумкин[1. Б. 108]. Испания томонидан Лотин Америкасини мустамлакага айлантириш амалга оширилган даврда католик черкови миссионерлари Америка ҳинду қабилаларининг тилларини ўрганиб, даъват ишларини ўтказиш мақсадида улар учун махсус алифбо ишлаб чиққанлар.

XVII–XVIII асрларда Голландия ва Буюк Британиянинг колониал сиёсати авж олгани муносабати билан миссионерлик ушбу мамлакатларда кенг тарқалган протестантликда ҳам ривожлана бошлаган. XIX асрда миссионерлик жамиятлари АҚШда ҳам пайдо бўлган. Ушбу даврда христиан миссионерларининг эътибори кўпроқ Африка қитъасига қаратилган. Фаолият асосан ўқув, тиббиёт муассасалари, шунингдек, маданият, спорт ва бошқа соҳалардаги жамоат ташкилотларида олиб борилган.

1910 йили волонтёрлик ҳаракати фаолларидан бири бўлган Жон Мотт исмли шахснинг ташаббуси билан Шотландияда “Эдинбург миссионерлик конференцияси” ташкил этилган. Анжуманда бутун жаҳон халқларини христианлаштириш стратегияси муҳокама қилиниб, миссионерлар тайёрлаш, Библияни турли тилларга таржима қилиш масалаларида турли христиан уюшмаларининг ҳамкорлиги келишиб олинган. Мазкур конференция замонавий миссионерликнинг шаклланишига туртки бўлган [4. Б.18].

Иккинчи жаҳон урушидан кейин колониал тизим барбод бўлганидан сўнг миссионерлик собиқ мустамлака давлатларда черковларнинг мавқеини сақлаб қолишга қаратилган. 1969 йилда Африка қитъасида фаолият юритган турли христиан миссияларининг 16 минг эркак ва 30 минг аёл аъзоси бўлган.

Миссионерлик жамияти фаоллари янги шароитга мослашиш мақсадида маҳаллий черковларга туб аҳоли вакилларидан раҳбар тайёрлаш, маҳаллий мусиқа ва рақсдаги айрим унсурлардан диний маросимларнинг тегишли қисмида фойдаланиш, тарғибот ишларини маҳаллий тилда олиб бориш, телевидение ва радио имкониятларини кенг қўллаш каби усулларни ишлатганлар [5. Б. 1].

Ҳозирги кунда христианликнинг протестант йўналиши миссионерлик фаолиятида етакчилик қилиб келмоқда. 1970 йилда христианларнинг 2200 хорижий миссияларида 240000 профессионал миссионер фаолият юритган бўлса, 2000 йилда 4800 та хорижий миссияда 420 000 миссионер маҳаллий аҳоли ичида тарғибот ишларини олиб борган. 1970 йилда хорижий миссияларнинг фаолиятига 3 миллиард АҚШ доллари сарфланиб, 2000 йилда мазкур кўрсаткич 12 миллиардга етган. Энг йирик миссионерлик марказлари сирасига “Миссиялар ва бутунжаҳон христианлик мактаби” (Бирмингем), “Генри Мартин маркази” (Кембридж, Буюк Британия), Григориан ва Урбаниан университетлари (Ватикан), “Хорижий миссияларни ўрганиш марказ”лари (Нью-Хейвен, АҚШ) киради[6. Б. 39].

Миссионерлар ўз фаолиятини муайян ҳудудда амалга ошириш учун муҳим районларни белгилаб олиб ҳаракат қиладилар. Глобал миқёсдаги миссионерлик лойиҳаларида алоҳида мамлакат ёки минтақа эътиборга олинади. Ҳозирда христиан миссионерлари, асосан, протестант марказларининг диққат-эътибори улар томонидан “10 – 40 ойна” деб аталган ҳудудга қаратилган. Ушбу ҳудуд шимолий кенгликнинг 10- ва 40-параллеллари орасидаги Африканинг ғарбда Атлантика океани қирғоқларидан Кичик ва Марказий Осиё, Арабистон яриморoли, Жанубий Осиёнинг Тинч океани қирғоқларига қадар чўзилган.

Мазкур ҳудудда аҳолисининг аксарият қисми ислом, буддавийлик, конфуцийлик ва ҳиндуийлик динларига эътиқод қилувчи мамлакатлар жойлашган. Шуни таъкидлаш жоизки, айнан ушбу ҳудудда дунёдаги энг йирик газ, нефть, уран захиралари, қитъалараро стратегик аҳамиятга эга транскоммуникация йўллари, бўғоз ва кўрфазлар жойлашган бўлиб, XIX асрдаёқ таниқли сиёсатшунос А.Мехен мазкур ҳудудни “Можаролар зонаси” деб атаган эди [7. Б. 12]. Агар ҳозирги кун нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ижтимоий-сиёсий кескинликлар, қуролли можароларнинг аксарияти “10 – 40 ойна” ичидаги мамлакатларда содир бўлмоқда.

1990 йилларда собиқ социалистик лагерь парчаланиб кетиши натижасида Шарқий Европа ва собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида вужудга келган мустақил давлатларда Ғарб мамлакатларида жойлашган турли протестант жамоаларининг ўта фаоллашуви кузатилди. Маҳаллий аҳоли учун анъанавий бўлмаган диний жамоа тарғиботчилари жамият ва давлат олдида ижтимоий тотувликни сақлаш бўйича ҳеч қандай масъулият олмаган ва ҳис этмаган ҳолда фақат ўз сафини кенгайтириш билан машғул бўлган. Масалан, фақат Россиянинг ўзида 4,5 мингдан ортиқ (2000-йилларнинг охири) протестант черков ва деноминациялари расмий рўйхатдан ўтган.

Бир миллатга мансуб, бир тилда гаплашувчи, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган фуқароларни диний омил асосида бўлиб ташлашга қаратилган ҳаракатларни мазкур жамият учун таҳдид сифатида баҳолаш мумкин. Ноанъанавий диний жамоалар конфессияларaро низолар чиқиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олмай ўз сафини кенгайтиришга ҳаракат қилиши оғир оқибатларга олиб келади. Буни Африка ва Осиё минтақасидаги қатор мамлакатларда миссионерлик ва прозелитизм натижасида туб аҳолининг диний таркибидаги мувозанат бузилиши оқибатида турли дин вакиллари орасида доимий равишда келиб чиқаётган можаролар мисолида кўриш мумкин.

Жумладан, Африканинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Судан Республикасининг асосий нефть захиралари жойлашган жанубий ҳудудлари ўтган аср давомида католик ва протестант миссионерлари томонидан фаол христианлаштирилган эди. Ушбу ҳудудда марказий ҳукуматга қарши қуролли чиқишлар оқибатида, айрим маълумотларга кўра, 1,5 млн.га яқин одам нобуд бўлган. 2011 йили Африкадаги энг йирик давлат ҳисобланган мазкур мамлакат мусулмонлар кўпчиликни ташкил этувчи Судан ва аҳолисининг асосий қисми христианлардан иборат Жанубий Судан Республикасига бўлиб юборилади [8. Б. 12].

Индонезиянинг христианлаштирилган шимолий ҳудудлари – Суматра, Сулавеси ва Молукко ҳудудларида мутассил равишда мусулмонлар ва христиан прозелитлари ўртасида диний низолар асосида тўқнашувлар, қотилликлар, террорчилик ҳаракатлари рўй бериб туради. Маълумотларга кўра, ҳозир мусулмон аҳолисининг сони бўйича биринчи ўринда турадиган Индонезияда 27324 та христиан миссионерлари, 44 та Европа ва 20 та АҚШ миссионерлик марказлари фаолият юритмоқда [9. Б. 23].

Мустақилликнинг илк давридан Марказий Осиё минтақасида ҳам турли ноисломий диний конфессиялар томонидан ўз диний қарашларини маҳаллий аҳоли ичида кенг тарғиб қилишга қаратилган фаол ҳаракатлар амалга оширилди. Минтақа мамлакатларида туб аҳоли учун анъанавий бўлмаган диний конфессияларга мансуб ташкилотлар ҳам расмий рўйхатдан ўтиб, фаолият юрита бошлади. Жумладан, Қозоғистонда 2012 йилнинг октябрь ҳолатига кўра, 1 та конфессияга мансуб 3088 та диний ташкилот рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 2229 таси ислом, 280таси православ, 2 таси буддавийлик, 4 таси яҳудийлик, 6 таси баҳоийлик, 8 таси кришначилар, 79 таси Рим католик черкови, қолган 480 таси протестантликдаги турли йўналишларга мансуб жамоалар ҳисобланади [1. Б. 11].

Қирғизистонда 2011 йилнинг августида расмий рўйхатда 2299 та диний ташкилот турган бўлиб, улардан 1913 таси ислом, 51 таси православ, 4 таси католик, 1 таси буддавийлик, 1 таси яҳудийлик, 12 таси баҳоийлик, 1 таси саентология, 316 таси турли протестант йўналишларига мансуб ҳисобланади [10. Б. 13, 23, 24].

Таъкидлаш жоизки, минтақа учун ноанъанавий бўлган янги диний жамоалар, айниқса, протестант жамоаларининг сафи асосан ислом динига эътиқод қилган туб аҳоли ва аввал православ динида бўлган христианлар ҳисобига кенгаймоқда. Қўшни Қозоғистон ва Қирғизистонда миссионерлик қонунан ман этилмаган бўлиб, миссионерлар янги диний жамоаларнинг ғояларини очиқ тарғиб қилиш имкониятларига эга.

Миссионерлар маҳаллий кадрлар тайёрлаш масаласига асосий эътиборни қаратадилар. Чунки прозелит-фаоллар хорижлик миссионерларга ошкора фаолият олиб бормаган ҳолда маҳаллий жамоаларни бошқариш, молиявий ва бошқа шакллардаги фойда кўриш имкониятларини яратадилар.

Минтақада бошқа конфессияларга нисбатан кенг фаолият юритаётган хорижий протестантлар миссионерлик марказлари ўз фаолиятларини қуйидаги услубларда амалга оширмоқда:

I. Таълим. Жанубий баптистларнинг Халқаро хизмат корпуси (ISC, АҚШ) 1990 йилдан Ўрта Осиёга таълим тизимида ишлаш учун волонтёрларни жўнатмоқда. "Халқаро очиқ эшиклар" (Open Doors International) етакчи тайёрлаш, Библияни ўрганиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этади. "Ўрта Осиё христиан мактаблари" Ассоциацияси бошланғич мактаб ва ёзги таълим лагерлари, "Халқаро христиан лагерлари" (Christian Camping Internaional) уюшмаси эса болалар учун ёзги дам олиш лагерлари ташкил этиш орқали миссионерлик билан шуғулланади.

Қатор миссионерлик марказлари минтақада тил ўргатиш марказлари паноҳида ўз фаолиятини йўлга қўйган. 2000-йилларда "Халқаро таълим хизмати" (Международная образовательная служба) христиан-хайрия ташкилотининг инглиз тили, менежмент ва ҳуқуқшунослик каби йўналишлар бўйича миссионер-ўқитувчиларни тайёрлаб, Венгрия, Россия, Хитой ва Марказий Осиё республикаларига юбориш билан фаол шуғулланиши кузатилган [11. Б. 8].

II. Иқтисодий омил. АҚШ ва Буюк Британиянинг "Fronties", "People International", "Interserve" каби миссионерлик марказлари минтақада фаолият юритаётган йирик ғарб компанияларининг ходимлари ичига ўз миссионерларини юборадилар.

III. Христиан ОАВ. 2002 йил октябрида Финляндияда жойлашган Халқаро диний радио ва телевидение (MPP/TB), Билли Грэмнинг Евангел Ассоциацияси (Россия) ва "Янги ҳаёт" (Campus Crusade for Christ) миссияси Ўрта Осиё христиан телерадио ассоциациясини ташкил этган. Шунингдек, FEBC (Far Eastern Broadcasting Company), "Анд овози" (HCJB World Radio) каби радиостанциялар орқали Ўрта Осиё халқлари тилларида миссионерлик тарғиботи олиб борилган.

IV. Христиан адабиётларини тарқатиш. "Slaviska Missionen" (Швеция), "People International" (Буюк Британия), "Халқаро Библия жамияти" (АҚШ, Швеция) каби ташкилотлар Библияни маҳаллий тилларга таржима қилиб, турли йўллар билан минтақа аҳолиси ичида тарқатишга қаратилган фаолиятни амалга оширмоқда.

V. Қисқа вақтли миссиялар. "People International", "Халқаро очиқ эшиклар" (Уитни, Оксон, Англия), "Ёшлар миссияси" (Амстердам, Нидерландия), Жанубий баптистлар (АҚШ) минтақада ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш орқали евангеллаштириш ўтказиш учун қисқа муддатларга миссионерлар юбориш билан шуғулланадилар.

VI. Черковлараро алоқа ўрнатиш. Марказий Осиёдаги айрим миссионерлик марказлари минтақадаги протестант черковлари билан Ғарбда жойлашган черковлар орасида ҳамкорликни йўлга қўйиш билан шуғулланадилар [12. Б. 14-16].

Миссионерлик фаолиятининг молиявий манбаларини чет элда жойлашган марказлари кўрсатадиган молиявий ёрдам, жамоа фаоллари бошқарадиган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларининг фаолиятидан келадиган даромад, жамоа аъзоларининг тўлайдиган ойлик бадал ва жамоага мойиллиги бор шахслар томонидан бериладиган хайрия маблағи ташкил этади.

Хулоса

Глобаллашув шароитида миссионерлик ҳаракатининг жамият ҳаётига таъсири ниҳоятда сезиларли бўлиб, муаммонинг олдини олиш, уни бартараф этиш, инсонларни уларнинг ёлғонларига алданиб қолишини чеклаш борасидаги вазифаларни амалга ошириш учун илмий, мантиқий ва синалган усуллардан фойдаланиш лозим бўлади.

Шу боис барча динлар таълимотини чуқур ўрганиб, улар кўрсатмасини илмий, фалсафий асослар билан таҳлил этиш ва ислом дини ҳақидаги нотўғри фикрларга қарши жавоб бера оладиган савияга кўтарилиш бугунги куннинг долзарб талабига айланди ва жаҳолатга қарши маърифат билан бориш, фақат ақл эгаларигагина хосдир.

Кўриб турибмизки, мамлакат хавфсизлиги учун, айниқса, ёшларни диний қобиқдаги ахборот хуружларидан асраш, уларда тўғри эътиқод, миллий ва диний, сиёсий ва ғоявий мафкура уйғунлиги нормаларини тарбиялаш зарур. Бунинг учун эса жамият кундалик ҳаётидаги тарғибот ва оммавий ахборот воситалари – радио, телеведение, газета ва журналларда доимий равишда бағрикенгликнинг моҳияти, миссионерликнинг асл қадриятларга бутунлай ётлиги тўғрисида теран, аниқ, оммабоп маълумотлар зиёлилар, диний уламолар, мутасадди шахслар томонидан татбиқ қилиниши лозим.

Агар юқоридаги ҳолатлар юз берган тақдирда, миллий нигилизм, ("нигилизм" лотинча nihil – "ҳеч нима", ўзининг ёки юртининг куч-қудратига ишон-

маслик, уларга паст баҳо бериш, эртанги кунга ишончсизлик, умидсизлик) яъни муайян миллат вакилларининг ўз миллати имкониятларини камситиб, пасайтириб баҳолаши, ўз юртининг қадрига етмаслик, мамлакатда рўй бераётган ўзгаришлар миқёсини англай олмаслик ҳолатларининг вужудга келишига олиб келади.

Миллий нигилизм касалига йўлиққан ёшларнинг мафкуравий иммунитети заиф бўлиб, улар бегона ғоявий таъсирларга тез берилувчан, ўз юртининг манфаатини ҳимоя қила олмайдиган, ўз юртининг ҳар қандай ютуғига нисбатан бефарқ ва уларни негатив баҳоловчи, "қилдан қийиқ ахтарувчи" ночор кимсаларга айланиб қолишади [13. Б. 4-6].

Ёшларда диний маърифатнинг етишмаслиги ва диншунослик соҳаси бўйича керакли адабиётларнинг йўқлиги ёшларимизнинг шу каби хатарли жамиятлар тўрига илинишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, дин соҳасида берилаётган билимлар объектив бўлиши инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши керак. Диний маърифат соҳасида берилаётган билимлар ўз моҳият эътиборига кўра Ватан, миллат, инсоният манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлиши лозим. Шу билан бирга ёшларимизнинг динлар ҳақида холис ва етарли билимга эга бўлишлари турли хил мафкуравий хавф-хатарларга қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолади.

Таклиф ва тавсиялар

Баён қилинганлар юзасидан қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

– миссионерлик фаолияти, улар қўллаётган услублар ва воситаларга қарши курашишда зиёлилар салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

– замонавий миссионерлик ташкилотлари ва марказлари томонидан илгари сурилаётган ғояларга қарши кураша оладиган бунёдкор ғояларни тарғиб қилувчи марказлар фаолиятини рағбатлантириш;

– миллатни тил, ҳудуд ва этномаданий жиҳатдан бирлаштирувчи омилларни ижобий мақсадларга йўналтиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

– глобаллашув шароитида миссионерлик фаолияти томонидан тақдим этилаётган туҳфаларга қарши миллатнинг туб ва тараққиёт манфаатларига мос юксак инсоний фазилатлар, қадрият ва маданиятни акс эттирган конструктив ғояларни яратиш ҳамда илгари суриш;

– миссионерликка қарши курашишда ижобий натижага эришиш учун таълим тизими, оммавий ахборот воситалари фаолияти ва бошқа шу каби муассасаларга тааллуқли инновация ҳамда тараққиёт дастурларини шакллантириш;

– ёш авлод маънавий дунёқарашини миссионерликдан ҳимоя қилишда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш;

– миллатлараро муносабатлар хавфсизлигига таҳдид солувчи ахборий-психологик хуружларга қарши мустаҳкам бунёдкор ғояларни ишлаб чиқиш ва уларни жамият ҳаётига татбиқ этиш;

– кўпмиллатли давлатларда қонунчилик сиёсати динамикасини ўрганиб бориш ва керакли таклифлар бериб бориш;

– миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда ҳар бир фуқаро онги, ҳаётининг мазмуни ва кундалик турмуш тарзига ҳамжиҳатлик ғоясини сингдириш.

Дарҳақиқат, таълим муассасаларидаги ва, умуман, ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириб бориш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шунга кўра мазкур йўналишда, бизнингча, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

– умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида дунё динлари тарихи, уларнинг асл мазмун-моҳиятини ўқувчи-талабаларнинг ёши, кўникма ва истакларига мос тарзда, мавзуларнинг тадрижий ўсиб бориши, бир-бирини такрорлаймайдиган принциплар асосида ўқитиш;

– ёш авлодга диннинг инсон ва жамият ҳаётидаги муҳим ўрнини, у ёхуд бу дин вакилининг имони ўзгалар эътиқодини ҳурмат қилиш эвазига янада мустаҳкамланишини тушунтириш;

– барча дунё динларининг, хусусан, ислом динининг эзгуликка йўғрилган моҳиятини ОАВларида, интернетнинг ёшлар кўпроқ фойдаланадиган сайтларида аниқ мисоллар орқали ёритиб бориш;

– экстремизм, бузғунчилик, зўравонлик, ёвузлик иллатлари динга мутлақо ёт эканини асл ва ишонарли, синовдан ўтган манбалар материаллари асосида аҳолига тушунтириш;

– фуқаролар, айниқса, ёшларда дунёвий ва диний масалаларни ўзаро ажрата билиш малакасини шакллантириш учун ҳар икки билимнинг аниқ ва кенг ўзлаштирилишига эришиш.

Адабиётлар:

1. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014.

2. Миронов О. Словарь религиозных терминов. – Воронеж: Воронеж, 2002. – С. 25.

3. Прозелитизм // Национальная социологическая энциклопедия. Буква “П” [Электронный ресурс]. URL: http// didacts.ru/dictionary/1010/word/ prozelitizm (дата обращения 14.01.2019).

4. Христианская миссия [Электронный ресурс]. URL: http//ru.wikipedia.org/wiki/Христианская_миссия (дата обращения 14.01.2019).

5. Миссионерство [Электронный ресурс]. URL:http//ru.wikipedia.org/wiki/Миссионерство (дата обращения 14.01.2019).

6. Широков С. Миссионерство как вызов времени [Электронный ресурс] // Христианство на пороге нового тысячелетия. Тезисы докл. конф. 20-22 июня 2000 г. Москва. [Электронный ресурс]. URL: http//klikova.ru/db/msg/8663 (дата обращения 15.01.2019).

7. Трофимчук Н., Свищев М. Элементы стратегии миссионерской деятельности: механизмы и нормы их практической реализации. [Электронный ресурс]. URL: http//psyfactor.org/expan10.html (дата обращения 11.12.2018).

8. Филатов С. Судан: острые приступы «независимости». [Электронный ресурс]. URL: http://interaffairs.ru/read.php?item=8496. (дата обращения 28.08.2018).

9. Христианское миссионеры вычищают мусульманский мир [Электронный ресурс]. URL: http://chmm888.ru/news/khristianskie_missionery_vychishhajut¬_musulmanskij_mir (дата обращения 02.09.2018).

10. Кабак Д., Эсенгальдиев А. Свобода вероисповедания в Кыргызской Республике: обзор правового обеспечения и практики. – Бишкек: Открытая позиция, 2011.

11. Миссионеры США готовят очередную группу учителей для «непросвещённых» стран бывшего соцлагеря [Электронный ресурс]. URL: http://www.sedmica.orthodoxy.ru/50-21-08-02.php (дата обращения 14.08.18).

12. Эндрю Кристиан ван Гордер. Постсоветское протестантские миссии в Средней Азии // Электронный журнал “ВОСТОК-ЗАПАД”. Вестник служений и церквей, 2009. – Т.17. – №3. – С. 14-16. URL:http://www.eastwestreport.org (дата обращения 18.12.2018).

13. Тўраев Б. Миллий маънавиятга таҳдидлар ва уларни бартараф этиш йўллари // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2009. – №2. – Б. 4-6.

MISSIONARY ACTIVITY: HISTORY AND PRESENT DAY

Kh. N. Oblomuradova[1]

Ilmiy xabarnoma. Научный вестник – 2019. №2. 19–25.

1Tashkent State University of Law, Tashkent, 100047, Sayilgokh str., 35 (Uzbekistan). E-mail: info@tsul.uz

Keywords: *religion, buddhism, christianity, islam, mission, religious mission, missionary, proselytism, globalization, national nihilism, ideological immunity, religious education.*

We know that each period has its own characteristics, principles of development and the XXI century is the century of the peak of cultural, spiritual, scientific, technical integration. Along side with this, we are facing certain difficulties and unsolved tasks in these areas, and this has its objective, subjective reasons.

It should be noted that today it has become mandatory to be on the alert to possible threats, the separation of true religious values from fake and directly scientifically justify the educational and religious culture and world outlook of human being from the philosophical point of view.

Based on this, the relevance of this topic is displayed in the following scientific, theoretical and practical features.

Firstly, the most dangerous social and ideological problem is religious and ideological, particularly, the problems of missionary work, proselytism, conducting research in order to find a perfect solution to this problem is an urgent requirement of our time.

Secondly, the main task of the policy of our state is to ensure peace and security of the country. In the framework of socio-philosophical research its essential to disclose selfish goals, methods and means of centers and organizations engaged in missionary activities on the basis of extensive information and examples.

Thirdly, at a time when various religious extremist groups seek to involve the ranks of people with weak will, ensuring stability and security plays an important role in the social, economic development of our society, maintaining geographical and political balance, strengthening peace and tranquility of all peoples and protecting our people from missionary activities, proselytism and convening to be careful is an important task;

Fourthly, the concepts "motherland”, “nation”, "religion" are sacred and one cannot be indifferent to them. It is known that religion is a force that systematizes the social, ideological, cultural life of people calling for good and good deeds, humanity always needs religion;

Fifthly, the main feature of the state in the relation with religion is the independence of religion from politics. Despite this, each religion first of all embodies the ideo-

logical-educational feature, legal, political, philosophical aspects of compliance with the principle of interaction with religion in the development of society, modernity, religious generosity of Uzbekistan meets the requirements of the time to strive to educate the ideal person;

Sixthly, in our country holds numerous reforms in this area the attitude to religion, changed has radically. The law on "free will and religious organizations"was adopted. This law includes the tasks of tolerance, today some people use this law incorrectly, for selfish purposes. They not developed the trait of patience and perseverance in front of difficulties of life and therefore they are not aware of this fall into various religious trends and sects. In this regard, it is necessary to develop a system for monitoring the compliance of objective and subjective factors, the compliance of the use of religious purposes with the requirements of the time. Friendly coexistence with the representatives of all nationalities in our Republic, respect for the values of each of them - provides peace and tranquility of our nation.

Seventhly, today, the importance of religious values is growing, and it is very important that young people be told that morality is higher than vandalism, the development of means for developing independent opinion and ideological immunity against fundamentalism, religious extremism, terrorism and other inhuman ideas.

References

1. Hasanboev, U. (2014) *O`zbekistonda davlat va din munosabatlari: diniy tashkilotlar, oqimlar, mafkuraviy kurashning dolzarb yo`nalishlari* [State and Religious Relations in Uzbekistan: religious organizations, movements, ideological trends]. Tashkent: Toshkent islom universiteti.

2. Mironov, O. (2002) *Slovar' religioznyh terminov* [Dictionary of religious terms]. Voronezh: Voronezh. p. 25.

3. Prozelitizm [Prozelitizm]. *Nacional'naya sociologicheskaya ehnciklopediya* [National Sociological Encyclopedia]. [Online]. Available from: http//didacts.ru/dictionary/1010/word/ prozelitizm. (Date of Access: 14.01.2019).

4. *Hristianskaya missiya* [Christian mission]. [Online]. Available from: http//ru.wikipedia.org/wiki/ Christian_mission (Date of Access: 14.01.2019).

5. *Missionerstvo* [Missionary]. [Online]. Available from: http//ru.wikipedia.org/wiki/Missionary (Date of Access: 14.01.2019).

6. Shirokov, S. (2000) *Missionerstvo kak vyzov vremeni* [Missionary as a challenge of time]. Christianity on the threshold of the new millennium. Thesis report conference. June 20-22. Moscow. [Online]. Available from: http//klikova.ru/db/msg/866. (Date of Access: 15.01.2019).

7. Trofimchuk, N., Svishchev, M. *Elementy strategii missionerskoj deyatel'nosti: mekhanizmy i normy ih prakticheskoj realizacii* [Elements of the missionary strategy: mechanisms and standards for their practical implementation]. [Online]. Available from: http//psyfactor.org/expan10.html. (Date of Access: 11.12.2018).

8. Filatov, S. *Sudan: ostrye pristupy "nezavisimosti"* [Sudan: acute paroxysm of «independence»]. [Online] Available from: http://interaffairs.ru/read.php?item=8496. 28.05.2012. (Date of Access: 28.08.2018).

9. *Hristianskoe missionery vychishchayut musul'manskij mir* [Christian missionaries clean out the Muslim world]. [Online] Available from: http://chmm888.ru/news/khristianskie_missionery_vychishhajut-_musulmanskij_mir/2011-02-05-5. (Date of Access: 02.09.2018).

10. Kabak, D., Esengaldiev A. (2011) *Svoboda veroispovedaniya v Kyrgyzskoj Respublike: obzor pravovogo obespecheniya i praktiki* [Freedom of religion in the Kyrgyz Republic: review of legal support and practice]. Bishkek: Open Pozitsiya.

11. *Missionery SShA gotovyat ocherednuyu gruppu uchitelej dlya «nprosveshchyonnyh» stran byvshego soclagerya* [USA missionaries are preparing another group of teachers for the "enlightened" countries of the former socialist camp [Online]. Available from: http://www.sedmica.orthodoxy.ru/50-21-08-02.php. (Date of Access: 14.08.18).

12. Andrew Christian van Gorder (2009) *Postsovetskoe protestantskie missii v Srednej Azii* [Post-Soviet Protestant Missions in Central Asia]. "VOSTOK-ZAPAD". Bulletin of the Service and Church. Vol. 17. №3. [Online]. Available from: http://www.eastwestreport.org.pp. 14-16. (Date of Access: 18.12.2018)

13. Turayev B. (2009) *Milliy ma'naviyatga tahdidlar va ularni bartaraf etish yo'llari* [Threats to national spirituality and ways to overcome them]. Falsafa va huquq. №2. pp. 4-6.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Обломурадова Ҳабиба Наимовна – Тошкент давлат юридик университети умумтаълим фанлар кафедраси катта ўқитувчиси. E-mail: habibaoblomuradova@mail.ru